2013 йил 29 март, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (12.374)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган иккита Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Чунончи, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрирда) кўриб чиқиш вақтида қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш тизимида маҳалланинг вазифаларини кенгайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширишдаги, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ёшлар никоҳдан ўтаётганида ҳамда тўй тантаналарини ўтказаётганида уларга моддий ёрдам кўрсатиш, боласи икки ёшга етмаган, ишламаётган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш каби ваколатлари анча кенгайтирилди.

Фуқаролар йиғинларининг кенгашларига аҳолини, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёлғиз қолган кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларга ишга жойлашишда кўмаклашиш масалаларида қўшимча ваколатлар берилмоқда. Сенаторлар ушбу Қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрирда) муҳокама қилар эканлар, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлигини, бу тизим катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолининг ҳурмати ва ишончини қозонган муносиб фуқаролар раислар ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишини, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада демократлаштиришнинг очиқлигини таъминлашини таъкидладилар.

Шунингдек, Қонун билан фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланмоқда, жорий этилаётган тартибга кўра фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ўз чиқишларида келгусидаги фаолиятлари дастурини эълон қилишлари керак.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишдаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши сайлов ўтказишнинг аниқ муддатларини ҳамда тайёргарлик тадбирларининг тартибини белгилайди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрирда) кўриб чиқдилар. Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик асослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Қонуннинг янги таҳририда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, давлат бошқаруви, бу ишни ташкил этишда жамоатчиликнинг иштироки масалалари аниқ тартибга солинган. Йўлларнинг ҳолатига, фаолияти транспорт воситаларини ишлатиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга, уларнинг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текширишга қўйиладиган талаблар жиддий ўзгартирилмоқда, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонуннинг асосий мақсади Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнини амалга оширишнинг мавжуд тартибини янада такомиллаштиришдан, қонун лойиҳаларини парламент қуйи палатасида кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишининг процессуал механизмини такомиллаштиришдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу Қонунни муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, Қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, депутатларнинг профессионал фаоллигини ҳам, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳаларини ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги, уларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришдаги ролини ҳам оширади. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатига, қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Сенаторларнинг фикрича, таклиф қилинаётган нормалар сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг ҳамма босқичларида таъсир кўрсатиш имкониятларини оширишга, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатларига ва сайловчиларининг манфаатларига асосланиб, қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР ИМЗОЛАНМОҚДА

***Хабар қилинганидек, шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan Industrial Forum — 2013» Халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

Унда Германия, Швейцария, Шотландия, Буюк Британия, Хитой, Россия, Беларуссия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 50 дан ортиқ корхоналарнинг металлургия, машинасозлик, тоғ-кон саноати, хавфсизлик тизимлари, меҳнатни муҳофазалаш, ёнғинга қарши хавфсизлик, саноатни автоматлаштириш технологиялари ва ускуналари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 2011-2015 йиллар учун инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштириш бўйича давлат дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мазкур дастурдан кўзланган мақсад ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик тармоқлари, мамлакат ҳудудини истиқболли ривожлантириш бўйича ўсишни таъминлаш ҳамда бунинг асосида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

Президентимиз Қарорига мувофиқ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ва янги дастурга киритилган инвестиция лойиҳалари бўйича четдан келтириладиган асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик ҳужжатлар ва жиҳозлар учун 2016 йил 1 январга қадар божхона тўловлари тўланишидан озод қилинган.

«New Dizel plus» масъулияти чекланган жамияти чет элдан асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар келтириш билан шуғулланади.

– Ҳозирги кунда биз Hawo, Foton, Shagman, Dong Feng каби бир қатор фирмаларнинг техника ва технологиялари учун эҳтиёт қисмлари етказиб бермоқдамиз, – дейди «New Dizel plus» масъулияти чекланган жамияти менежери Бунёд Ғаниев. – Биз бу кўргазма орқали мамлакатимизда фаолият олиб бораётган йирик корхоналар билан шартномалар тузишга эришмоқдамиз. Ўйлайманки, форум якунига қадар ҳамкорларимиз сони бир мунча ортади.

Кўргазма павильонининг каттагина қисмини тоғ-кон саноати учун технологиялар ва асбоб-ускуналар эгаллаган.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати 2014 йил охирига келиб Тошкент вилоятида «Узоқ» янги мис конини ишлаб чиқишни режалаштирмоқда. 330 миллион АҚШ доллари қийматига тенг бўлган лойиҳанинг биринчи босқичида мис қазиб олишни йилига 10 миллион тоннагача ошириш мўлжалланмоқда. Худди шу лойиҳанинг иккинчи босқичида йилига 35 миллион тоннагача мис қазиб олиш даражасига эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда қўшимча транспорт инфратузилмаси ҳамда зарур тоғ ва кон асбоб-ускуналарини харид қилиш режалаштирилган. Шу туфайли кўргазмаларда тоғ-кон соҳасида фаолият олиб бораётган бир қатор йирик ва машҳур корхоналарнинг фаол иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

«Ўзэкспомарказ»нинг очиқ майдонига ташриф буюрувчилар «JV MAN AUTO UZBEKISTAN» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг техникалари билан танишиб чиқмоқдалар. Мазкур қўшма корхона 2013 йилда 1 минг та ихтисослаштирилган техника бирлиги – кон самосваллари, бетон қоргич машиналар, шатакка олувчи машиналар, коммунал техника ва MAN шассиси билан бир хил турдаги техникалар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Шунингдек, кўргазмада «Asia Motors COLTD» компанияси ва Беларуссия республикасининг «Амкодор» очиқ акциядорлик жамиятининг техникалари ҳам намойиш этилмоқда.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан аутизмга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва психологик-педагогик қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.***

**2013 йил — Обод турмуш йили**

## ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган конференцияда депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, комиссиялар, жамоат тузилмалари, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет мамлакатларнинг тиббий ва ижтимоий соҳа мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси Л.Каримова-Тиллаева, Ўзбекистон халқ таълими вазири У.Иноятов, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоёров, Республика «Она ва бола» скрининг маркази директори М.Шарипова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар бир фарзандга меҳр ва эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Термиз шаҳрида «Ислоҳотлар замирида миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда воҳадаги босма оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари ва ходимлари, тегишли идоралар вакиллари иштирок этди.**

**• Сирдарё вилояти прокуратурасида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий асосларига бағишланган идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди. Иштирокчилар тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олишга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари билан таништирилди.**

**• «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поезди таркибидаги тажрибали шифокор ва мутахассислар Навоий шаҳри, Қизилтепа, Нурота ва Кармана туманлари аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур тавсия ҳамда маслаҳатлар берди.**

**• Наманганда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ва «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорлигида хайрия тадбири ташкил этилди. Тадбир Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғи Еттикон маҳалласида табиий газ тармоғининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросим билан бошланди. Умумий қиймати 360 миллион сўм бўлган лойиҳа асосида 11 километрдан зиёд масофага газ қувури тортилди. Натижада 600 дан зиёд хонадон табиий газ билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Европа марказий банки раҳбари Марио Драги Пул-кредит сиёсати бўйича қўмита йиғилишидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида жорий йилда еврохудуд иқтисодиёти аста-секин тиклана бошлашини таъкидлади. Драгининг фикрича, ушбу жараён рағбатлантирувчи сиёсат ва глобал иқтисодиётни жадаллаштириш натижасида бошланади.**

**• SAC Capital Advisors инвестиция компанияси соҳиби, АҚШдаги энг йирик санъат асарларини тўпловчилардан бири Стивен Коэн казино эгаси Стив Уиндан 155 миллион АҚШ долларига Пикассонинг «Орзу» деб номланувчи асарини сотиб олди. Таъкидлаш жоизки, бу америкалик коллекционер томонидан санъат асари учун тўланган энг катта маблағдир.**

**• Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари орасида Буюк Британияда ойлик маоши энг тез даражада пасайиб бормоқда. Британия касаба уюшмалари федерациясининг ҳисоботига кўра, 2007-2011 йилларда Буюк Британияда реал маошлар даражаси 4,5 фоизга тушиб кетган. Бу жаҳоннинг ўнта етакчи мамлакатлари орасида энг ёмон кўрсаткичдир. Чунончи, Италияда шу даврда иш ҳақи 2,7, Японияда эса 0,7 фоизга пасайган.**

**• Жаҳондаги энг ноёб скрипкаларнинг бирини тўла қайта тиклаш учун компьютер техникасидан фойдаланган инновация муаллифларининг таъкидлашича, қимматбаҳо торли асбобларни тиклашнинг янги жараёни мусиқачиларга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Яъни, радиолог Стивен Сирр бошчилигидаги тадқиқотчи ва усталар машҳур скрипка устаси Антонио Страдивари томонидан 1704 йилда ясалган Bett скрипкасини энг майда жиҳатларига қадар тиклашга муваффақ бўлдилар.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси курсантларининг битирув маросимига бағишланган тадбир ўтказилади.

✓ **БУГУН** «Темирйўлчилар» маданият саройида «Ёш ҳуқуқшунослар» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманида жойлашган «Тенгдош» маданият уйида «Оммавий маданият, диний эътиқод эркинлигининг жамиятдаги ўрни» мавзуида тадбир ташкил этилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво, Жиноят, Меҳнат, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Божхона, Оила кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама вақтида сенаторлар таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидладилар.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Сеул, 2012 йил сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам муҳокама қилиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги масалани кўриб чиққач, конституциявий ваколатларига мувофиқ бир қатор муассасалар, вазирликлар ва идораларнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ва ҳисоботини тингладилар.

Чунончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, тасдиқладилар. Қайд этилганидек, омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоат назоратини кучайтириш чораларини амалга оширишга, қонун ҳужжатларини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришга қаратилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ҳисобот йилида омбудсман томонидан 20 дан ортиқ қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликка, халқаро стандартларга мослиги жиҳатидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.



Мамлакат минтақаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини ҳамда шарт-шароитларини таъминлаш устидан мониторинг амалга оширилди.

Фуқароларнинг мурожаатларини электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Омбудсман ва унинг ходимларининг шахсий қабулида фуқароларнинг 1391 мурожаати кўриб чиқилган.

Муҳокамада сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларни баён этдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти давлат раҳбари томонидан 2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилиб, баҳоланди, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси экспертиза қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилишини ва ижро этилишини назорат қилиш, бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилишини текшириш асносида вазирликлар ва идоралар фаолиятида аниқланган камчиликлар ҳамда йўл қўйилган қоидабузарликлар бартараф этилди.

Олий Мажлис Сенатининг тавсияларига мувофиқ ҳисобот даври мобайнида Ҳисоб палатаси томонидан Бухоро ва Хоразм вилоятларида инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантиришга, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига, шунингдек, қўшимча иш жойлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича иш олиб борилди.

Сенаторлар Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришга қаратилган ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи куни ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

***Оила — эзгу орзу-умидларни ўзида мужассам этган ва уларнинг рўёби учун замин яратадиган муқаддас макон. Оила авлодлар бардавомлигини таъминлайди, келажакнинг тамал тошини қўяди. Унда гўзал урф-одатлар, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, эзгулик каби олижаноб фазилатлар шаклланиб, илдиз отади.***

Мамлакатимизда оила саодати Ватан ва халқ истиқболи билан узвий боғлиқдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланиши ҳам оилалар истиқболи ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг янада кенг тус олишига замин яратди.

Маълумки, пойтахт аҳолисининг 32 фоизини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш энг муҳим, долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёш авлоднинг келажакда комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча қулайликларнинг яратилаётганлиги замирида эзгу мақсадлар муштарак.

Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия мутасадди идоралар билан ҳамкорликда пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган вояга

**2013 йил — Обод турмуш йили**

## ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

етмаган ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини кундалик турмуш тарзига сингдириш, жисмонан баркамол ва соғлом бўлишига, чиниқишига, умумий иш қобилияти ўсишига ёрдам бериш, эрталабки бадантарбия машқларига риоя қилишларига кўниктириш, вояга етмаганлар орасида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, хусусан, ёзги таътил даврида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида этибор қаратиб келмоқда.

Оилаларнинг маънавий камолоти, моддий фаровонлиги, фарзандлар келажаги учун давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар прокуратура органлари зиммасига ҳам кўплаб вазифаларни юклайди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Давлат дастури талаблари ҳамда Бош прокурорнинг топшириқларига мувофиқ бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини янада ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар аҳволини доимий ўрганиш юзасидан 2012 йил 28 майда ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркибига шаҳар прокуратураси, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари киритилган. Ишчи гуруҳи аъзолари фаолиятида шаҳар ҳудудида қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, уларни ҳаётга тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш ва репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқ-тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишлар бўйича шаҳарда жами 522 та ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларнинг 284 таси ўқиш жойларида, 168 таси яшаш жойларида ва 70 таси иш жойларида уюштирилган.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратураси томонидан оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишлар аҳволини доимий ўрганиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан шаҳар ҳудудидаги барча туман хотин-қизлар қўмиталари, таълим муассасалари, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларининг ўқишга жалб этилмаган қизлар, таълим муассасаларида ўқиши давомида эрта турмушга чиққан ва фарзанд кўрган ўқувчи ва талаба-қизларнинг маҳаллалар кесимида оилавий аҳволини ўрганиб, мониторинг олиб борилмоқда, қизларини эрта турмушга чиқишга мажбур қилаётган ота-оналар билан алоҳида индивидуал равишда тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар натижасида, 16 нафар қизларнинг эрта турмушга берилишининг олди олинган.

Шунингдек, 2012 йил давомида жами 27.299 нафар никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтказилган ва соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилган.

Оила пойдеворининг мустаҳкам бўлиши жамиятга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Демак, жамиятни соғломлаштириш учун, энг аввало, оилада соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш лозим.

Оила, никоҳ тушунчалари тобора омонат бўлиб бораётган ғарбона яшаш тарзини «оммавий маданият» ниқоби остида китоб, кино, сериал ва ҳатто мультфильм кўринишида ёшларимиз онгига сингдиришга уринишлар кўп кузатилмоқда. Буларнинг барчаси оила билан боғлиқ асрий анъаналаримиз, қадриятларимизни, ёшларнинг ахлоқ ва маънавиятини емиришга қаратилаётгани айни ҳақиқатдир.

Келажаги буюк жамиятни барпо этиш учун, аввало, оила мустаҳкам, моддий ва маънавий жиҳатдан бут бўлиши керак. Демак, биздан бундай хатарларга қарши доимо сергак бўлиш, ҳушёр яшаш талаб этилади. Муҳими, «оммавий маданият»нинг таҳдидларига фақатгина аҳоли маънавиятини юксалтириш, жамиятнинг ахлоқий негизларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан қарши туришимиз мумкинлигини асло ёддан чиқармаслигимиз керак.

**Ҳаётбек АНОРТОЕВ
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи**

# ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатимизда она ва бола скрининги хизматининг жорий этилгани, оила қуриш арафасидаги ёшларнинг малакали тиббий кўрикдан ўтказилаётгани, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан бепул таъминлаш, унни микроэлементлар билан бойитиш борасидаги изчил чора-тадбирлар самарасида болаларнинг турли ирсий ва туғма нуқсонлар билан дунёга келишининг олди олинмоқда. Ихтисослаштирилган марказлар, тиббиёт-реабилитация муассасалари, шифохона ва санаторийларда уларни тизимли соғломлаштириш йўлга қўйилган. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида «Таълим барча учун!», «Ўзбекистонда инклюзив таълим» сингари лойиҳаларнинг амалга оширилиши алоҳида эҳтиёжли болаларнинг пухта билим олиши, жамиятга интеграциялашувига хизмат қилмоқда.

Аутизм – жисмонан ва руҳан соғлом болада ташқи муҳит билан мулоқот-коммуникация кўникмаларининг етарлича шаклланмаганидир. Уни бартараф этишда шифокор, психолог, педагог, дефектолог сингари мутахассисларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда, комплекс ёндашуви талаб этилади. Мамлакатимизда аутизм белгилари аниқланган болаларга кўмак кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси бу йўналишда бир қатор ижтимоий лойиҳалар, соғломлаштириш акцияларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қошида ташкил этилган Ахборот-консалтинг хизмати томонидан аутизм аломатлари аниқланган болаларга муайян соҳалар мутахассислари ҳамкорлигида коррекцион-даволаш ёрдами кўрсатилмоқда. Жумладан, «Табиат қўйнидаги машғулотлар», арт-терапия, махсус муолажалар натижасида болалар руҳияти, хулқ-атворида, саломатлигида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

– Мазкур халқаро конференциянинг юқори савияда ташкил қилиниб, унга соҳага дахлдор кўплаб етакчи мутахассислар жалб этилгани масалани атрофлича ўрганиш имконини берди, – дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Асмус Хаммерих. – Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, жумладан, соғлом авлодни вояга етказиш масаласига тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатликдаги ёндашувига ҳавас қилса арзийди.

Франциянинг Тулуза университети қошидаги госпиталь маркази профессори Кристиан Батайнинг айтишича, аутизм аломатлари учрайдиган болаларнинг жамиятга интеграциялашуви жаҳон миқёсидаги долзарб масалалардандир. Ўзбекистонда бу масалага комплекс тарзда ёндашилаётгани болалар саломатлигини муҳофазалаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Конференцияда аутизм аломатларини аниқлаш ва уни бартараф этишда коррекцион-даволашнинг инновацион услубларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари, бунда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

***Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари изчил ривожланмоқда.***

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш масалалари хусусида сўз юритилди. Унда даврий нашрлар бош муҳаррирлари, журналистлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, журналистлар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда ахборот соҳаси жадал ривожланиб, нашрлар, телеканаллар сони ва сифати ошиб бораётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётир. Бу йўналишдаги қонунчилик хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштирилмоқда.

Давра суҳбатида оммавий ахборот воситаларида, хусусан, баъзи газета ва журналлар таҳририятларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси бугунги кун талабига жавоб бермаслиги қайд этилди. Таҳририятларда кадрлар заҳирасини яратиш масаласига етарлича эътибор берилмаётир.

Тадбирда кадрлар малакасини ошириш, даврий нашрларни чоп этишда замонавий полиграфик технологиялардан фойдаланиш, босма нашрлар веб-версияларини яратишга оид масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири**

**Ислоҳотлар оқимида**

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Мамлакатимизда энергетика тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Рўзиқул Раимов ва соҳанинг бошқа мутахассислари бугунги кунда энергетика тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритишди.

Мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талабнинг катта қисми ишлаб чиқариш саноати ва аҳоли эҳтиёжлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарилган электр энергиянинг қарийб 40 фоизи саноат ишлаб чиқариш корхоналарига, 27,3 фоизи аҳолига, 23,1 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларига, қолган қисми эса коммунал-маиший хизмат, транспорт, қурилиш ва бунёдкорлик муассасаларига етказиб берилади.

Бугунги кунда юртимизда йилига 50 миллиард кВт.соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йилнинг биринчи ярмида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизими корхоналари томонидан истеъмолчиларга 21,3 миллиард кВт.соат электр энергияси етказиб берилиши таъминланди.

Айни кунда компания томонидан электр энергия ишлаб чиқариш ва узатиш тизимини модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоиз, 2012 йилда мавжуд электр станцияларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш борасида 38 та йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Компания томонидан умумий қиймати 6,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган 48 та инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари декабрь ойида тўртта объектнинг қурилиш ишларини якунига етказиб фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Масалан, Тошкент вилоятида қуввати 750 кВт.ли тажрибавий шамол ускунасини ўрнатиш кўзда тутилган. Бу келгусида мингдан ортиқ хонадонни муқобил электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қурилишига оид тегишли қарори бўйича 2013 йилда қурилаётган намунавий уй-жойлар учун ташқи электр таъминоти объектларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдували СОДИҚОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**2013 йил 2 май** **соат 10.00да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|
| 1. | 12И | "Феруза мавзеси бекати – Чилонзор буюм бозори АШБ" | Микроавтобус |
| 2. | 21И | "Ал-Хоразмий мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ" | Микроавтобус |
| 3. | 25М | "Сергели 7-даҳаси АШБ – Қўйлиқ М-1 АШБ" | Микроавтобус |
| 4. | 30М | "Қорасув 1-мавзеси АШБ – Тошкент вокзали АШБ" | Микроавтобус |
| 5. | 40И | "Юнусобод 17-даҳаси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ" | Микроавтобус |
| 6. | 62М | "Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Аэропорт АШБ" | Микроавтобус |
| 7. | 73М | "Қорасув 1-мавзеси АШБ – Қўйлиқ М-4 АШБ" | Микроавтобус |
| 8. | 99М | "ТТЗ АШБ – Қўйлиқ М-4 АШБ" | Микроавтобус |
| 9. | 155М | "Истироҳат мавзеси АШБ – Чилонзор 25-даҳа АШБ" | Микроавтобус |
| 10. | 170М | "Қўйлиқ М-4 АШБ – Карвон бозори бекати" | Микроавтобус |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | 31А | "Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ – Чинни бозори бекати" | Автобус |
| 2. | 73А | "Уйғур кўчаси АШБ – Чинни бозори бекати" | Автобус |
| 3. | 88М | "Сувсоз мавзеси – Истиқлол кўчаси АШБ" | Микроавтобус |
| 4. | 98А | "Бек Тўпи савдо мажмуаси – Электрокабель заводи АШБ" | Автобус |
| 5. | 150А | "Юнусобод 19-даҳаси АШБ – Фарҳод бозори бекати" | Автобус |
| 6. | 199М | "Қўйлиқ М-2 АШБ – 4-шаҳар қабристони бекати" | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

